

5 июнь - Бутунжаҳон атроф муҳит кун муносабати билан тадбир бўлиб ўтди



Ҳар йили 5 июнда ўтказиладиган Атроф муҳит кун бутун жаҳон жамияти эътиборини атроф муҳитни муҳофаза масалаларига жалб қилишдан иборат. Шу мақсадда Термиз туманида ҳам бир қатор чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, атроф-муҳит ва экология тозалиги ҳафталиги ўтказилмоқда.

Ҳафталик доирасида бугун туман марказида жойлашган “Учқизил” кўли бўйида тозалик ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш тадбири ўтказилди. Ўзбекистон экологик партияси туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги, туман Экология ва атроф-муҳит соҳасида давлат инспекцияси, туман Ободонлаштириш бошқармаси, “Био техно эко” МЧЖ ва бошқа алоқадор ташкилотлар иштирок этишди.

Тадбир давомида кўл бўйидаги майдонларда тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилиб, экилган дарахт ва буталарга ишлов бериш, оқлаш ишлари амалга оширилди.

Туманимиз аҳолисини 5 июнь - Бутунжаҳон атроф муҳит кун муносабати билан ўзлари яшаётган ҳудуд ободлиги ва кўркемлигини таъминлашда ўз хиссаларини қўшишга чорлаб қоламиз.